

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

26 ноябрь, чоршанба, 1997 йил  
Сотувада эркин нархда. № 240 (1757)

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

# МИНГ ЙИЛЛИК РИШТАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Турк ва ўзбек халқлари — тили, дили, дини, урф-одатлари, тарихи ва тақдирининг муштарак ҳамда ажралмасдир. Гарчанд улар узоқ йиллик айрилиқлардан кейин қайта қўришган бўлсалар-да, Президентлар тимсолида худди ога-инидек бир-бирини бағрига босдилар. Туркия Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовни кучоқ очиб кутиб олди.

имзоланиши, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув, жаҳонга машҳур «Коч холдинг» компанияси билан танишув каби ҳақлар унутилмас бўлди. Қолаверса, икки мамлакат раҳбарлари ва делегация вакиллари муносабатларидаги ҳар бир ҳаққа оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланди. Маълумки, мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари бу ҳақда ҳар қуни мақолалар бериб борди. Айни вақтда Туркиянинг «Миллият», «Сабҳ», «Хуррият», «Туркия», «Йени юйил» каби қатор газеталари қардош ва қондош халқлар дўстлиги, биродарлиги ҳақида мунтазам мақолалар бериб турди. Муштарийлар ихтиёрига ҳавола этаётган айрим газеталардан олинган мақолалардаги самимият, илқикли сизнинг қалбингизга ҳам қондошлиқнинг минг йиллик ришталари орқали ёруғлик ва равшанлик олиб киради, деган умиддамыз.



### ҚАРДОШ ҚАРИМОВ, ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Қардош ўлка Ўзбекистоннинг қадри Президент Ислоҳ Каримов Туркиянинг меҳмони. Муҳтарам Каримов жаннат Ўзбекистоннинг биринчи мустақил Президентидир. Ўзбекистон мустақиллиги 1991 йил август ойининг охирида илк дафъа унинг овози ва имзоси билан бутун дунёга эълон қилинди. Тарих муҳтарам Ислоҳ Каримовни бундай шарафли бир юксакликка кўтарди ва қардош Ўзбекистоннинг келажаги учун олтин саҳифа очилди. Бу мустақил жумҳуриятни Туркия биринчи бўлиб тан олди ва ўз бурчини адо этди.

билан томоша қилган Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов «турк халқи бу технологиядан фахрлана арийди» деди ва «Коч холдинг»ни Ўзбекистонга сармоя киритишга даъват этди.

Президент Сулаймон Демирал ҳафтаининг бошида Туркияга расмий ташриф билан келган Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов билан биргаликда кеча эрталаб Эскишаҳарга келди. Каримовнинг «Арчелик» заводини кўриш истаги тўғрисида амалга ошган сафар давомида «Коч холдинг» бошқарув кенгаши раиси Инан Қирач ва бошқарув кенгаши раис Уринбосари Суна Қирач икки Президентга ҳамроҳлик қилдилар ва завод билан таништирилди.

### «ТУРК ХАЛҚИ ФАХРАНСА АРСИДИ»

Президент Демирал ва Ўзбекистон Президенти Каримов завод билан танишганларидан сўнг, ўша ерда тушликни бирга қилдилар ва бироз суҳбатлашдилар. Каримов заводдан чиқишда Президент Демиралга миннатдорлик билдириб, шундай деди: «Бу ерга келишим бежиз эмас. Кўпгина ўлкаларда бўлдим. Замонавий технологияга эга бўлган корхоналарни кўрдим. Энди эса бу гўзал заводни қизиқиш билан томоша қилдим. Турк халқи бу завод билан фахрлана арийди. Ўзбекистон ва Туркия фақат маданияти, тили ва тарихи билангина эмас, келажак билан ҳам бир-бирларига боғланганлар. Икки мамлакатни ҳеч қим бир-бирдан ажрата олмайдим. Инан Қирач каби ишбилармонлар Ўзбекистонда шундай бир завод курсалар, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади. Муҳтарам Президент Демирал билан келишим. Самарқанд билан Эскишаҳар биродарлашган шаҳарлар бўлади. Икки ўлканинг келажаги иқтисодий ҳамкорликдадир. Турк халқига муваффақиятлар, муҳтарам Демиралга соғлиқ ва бахт тилайман».

Икки Президентнинг Эскишаҳарга қилган сафарига давлат вазири Аҳад Андиқон ҳам ҳамроҳлик қилди.

Демирал ва Каримов биргаликда кўрган «Арчелик» совутич (холодильник) заводи 1975 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Бир йилда 1,2 миллион дона совутич ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод маҳсулотининг 40 фоизи Англия ва бошқа Европа мамлакатларига экспорт қилинаётганлиги билдирилди. «Арчелик» яқинда ТУСИАД (Туркия саноатчилари жамияти)нинг 1997 йил учун

«Сифат мукофоти»ни олишга сазовор бўлган эди. «Арчелик» раҳбарлари Ўзбекистон Жумҳурияти билан келишилган тақдирда бир йил ичида бу ўлкада ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган завод кура олишларини маълум қилдилар.

Демирал ва Каримов «Арчелик» заводидан кейин «Сарар» кийим ширкатининг Эскишаҳардаги фабрикасини бориб кўрдилар.

Серий ЧЕВИКЖАН, Жан ҲАЖИОҒЛУ, «Миллият» газетаси, 20.11.1997

### ИСЛОҲ ҚАРИМОВ: БИЗ ҲАМ ШУНДАЙ «АРЧЕЛИК» ИСТАЙМИЗ

Туркия Президенти Сулаймон Демиралнинг расмий меҳмони сифатида Туркияга ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов миллий «Сифат мукофоти»га сазовор бўлган «Коч» гуруҳининг Эскишаҳардаги «Арчелик» заводини бориб кўрди. Ислоҳ Каримов «бундай заводни Ўзбекистонда ҳам курашимиз», — деди. Ўзбекистон Президенти «Коч» гуруҳининг Ўзбекистонда маъиший уй анжумалари заводини кўриш лойиҳаси бўйича бир қарорга келиш учун «Коч»нинг Эскишаҳардаги «Арчелик» совутич заводини бориб кўрди.

Заводнинг барча цехларини кезган С. Демирал ва И. Каримовга «Коч холдинг» бошқарув раиси Уринбосари ва «Арчелик» бошқарув раиси Суна Қирач, «Коч холдинг» бошқарув раиси Инан Қирач ҳамда «Арчелик» бош директори Меҳмет Али Беркман ва бошқалар маълумот бердилар.

Ислоҳ Каримов совутичларнинг бошқа моделлари ҳамда «Арчелик»нинг турли маҳсулотлари кўргазмаси бўлимида узоқ вақт қолиб, уларни диққат билан кўриб чиқди ва бу цехлар унда катта таассурот қолдирганини билдирди.

«Эскишаҳарликлар Ўзбекистондаги инсонларга жуда ўхшайдилар. Самарқанд ва Эскишаҳарни қардош шаҳарлар деб эълон қилдик. Эскишаҳардаги совутич заводи каби заводни Ўзбекистонда ҳам курашимиз», — деди Ислоҳ Каримов.

«Хуррият» газетаси, 20 ноябрь, 1997 йил

### ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН АБАДИЙ ДЎСТАЛИК

Туркия Президенти Сулаймон Демирал Туркия ва Ўзбекистон ҳар соҳада ўзаро ҳамкорликни давом эттириш учун ўз сиёсий иродаларини ифода этганликларини билдирди.

шарафига С. Демирал томонидан берилган зиёфатда иштирок этди.

Расмий ташриф доирасида И. Каримов «Жамли кош» қароргоҳида Инан Қирач раислигидаги «Коч» гуруҳи ҳайъати билан учрашди. И. Каримов мамлакатда фаолият кўрсатаётган 400 та яқин турк фирмалари орасида «Коч» гуруҳи катта аҳамиятга эга эканини билдирди. И. Каримов юксак зиммалари билан бир қаторда «Коч» гуруҳи ишончли ширкат эканлиги Ўзбекистон учун катта аҳамият касб этишини таъкидлаб, бундай алоқаларни кенг равишда ривожлантириш мақсадида эканликларини маълум қилди.

Президент И. Каримов «Туркия иш банкиси» ҳайъатини ҳам қабул қилди.

«Туркия» газетаси 19 ноябрь 1997 йил 1-15 саҳифалар

### «ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ»

Туркия Жумҳурияти Президенти С. Демирал тақдирининг буюми учун кўнлик расмий ташриф билан келган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Отагурк мақбарасини зиёрат қилди. Сўнгра И. Каримов бошчилигидаги расмий делегация ўз иштини давом эттирди.

«Чанқал» саройида бўлиб ўтган расмий музокарада С. Демирал ва И. Каримов раислик қилдилар. Музокарада туризм, соғиқ, таълим ва технология соҳаларидаги ҳамкорлик битимларини имзолаш билан тугади.

Битимлар имзолангандан сўнг С. Демирал ҳар тарафлама ҳамкорлик давом эттирилишини билдирди.

С. Демирал Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, 6 йил ичида икки мамлакат ўртасида билан ортқ битим, имзоланганини ва тижорат ҳажмининг 300 млн. долларга етганлигини қайл этди.

С. Демирал И. Каримовга Ўзбекистонда демократия ва иқтисодий ислохларнинг муваффақиятини тилаб, «қардошлигимиз ва дўстлигимиз абадийдир» деди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов барча соҳаларда Туркия ҳар доим ҳамкор бўлганлигини мамнуният билан билдирди. Суҳбат давомида С. Демирал И. Каримовга Туркия ва Ўзбекистонни боғлайдиган темир йул лойиҳаси ҳақида маълумот берди.

Туркиянинг «Сабҳ» газетаси, 1997 йил 19 ноябрь. СУРАТЛАРДА: икки мамлакат Президентларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

**АЙЛАНДИ СОАТ МИЛЛАРИ**

**ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ!**

**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ...**  
**16-ДАҲА, 17-УЙ ҲАНГОМАСИ**

Қойил. Бирданга 17 кишидан шикоят келди. Яъни, 17-уйнинг 17 та хонадони аҳли бизни ўз дардига шерик қилди. Мақтубга кўз югуртириб, тахририят эълон қилаямиз.

«Уйимиз уч йилдан бери исмайди. Шунча йилдирки туман турар-жой коммунал хизмати бўлими (ЖЭК) ходимлари иссиқлик қувурларини алмаштириш билан овера. Ҳозирги соғуқта электр иситкичлардан фойдаланаямиз. Бироқ уларнинг ҳарорати нима ҳам бўларди? Подъезд (дўлонча)лардаги қувурлардан сув оқиб ётибди. Уқувсиз пайвандчиларнинг дастидан неча бор турар-жой коммунал хизмати бўлимига шикоят қилдик. Арзимизни ҳеч ким тингламайди.

Наҳотки хонадонларни иссиқлик билан таъминлаш шунчалик қийин кечса? Лоқайлик ҳам эви билан-да. Танаси бошқа дард билмас деганлардай, бизнинг арзи-ҳолимизни чилонзорлик айрим туралар қандай тушуни? Йўқса, юқоридаги ҳолатнинг алақачон олди олинмасиди?!»

### «ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

### САРСОН ҚИЛИШДИ

— Мен Ғузор туманининг Улуғбек номи давлат ҳўжаида яшайман. «Ғузор — Бойсуи — Қумқўрғон» темир йўл қурилишида ишлайман. Исқандар Маҳмудовман...

— Гапираверинг...

— Углимининг ортидан Тошкентга келганим. Кеча қайфиятми роса бузиди.

— Нега?

— Углим Тўқимачилик институтининг талабаси. Биласиз, қишлоқчилик... қуруқ келмайди деб катта сумкага мева-чевалардан солиб олдим. Онаси тушмагур гуруч, ёғ, пиез, ҳатто сабзи ҳам жўйлади. Бир амалда Тошкентга келдим. Яққасарой тумани савдо марказида миришаблар ушлади. Беш киши. Паспортимни сўради. Бердим. Менга ахшиллаб разми солишиб, одмироқ кийинганим учунми, саволга тўттиди. Қасрдан, кимга, нима учун... хуллас, шундай гаплар...

Охири паспортимни нега Тошкентга рўйхатга қўймаганимни суради. Мен ҳўжжатам Ғузорда рўйхатда турганимни, барибир эртага қайтиб кетишим кераклигини уқтирдим... Сумкамни очинг, дейишди улар. Нима қиласизлар, дедим... Текшираимиз, дейишди. Мен ишнинг очиб кўрсатдим. Ичидаи ўғлимга олиб келаетган мева-чевалар тўқилиб кетди. Чидоламадим-да. Есанг, сабзи бор, дедим аччиқлаиб.

Тўртта миришаб кетди. Битмаси Ақши бозоридаги миришабхонага олиб борди. Вазиятни билсан бошиқ дарҳол қўйиб юборди. Фақат ҳалики юкни яна анча чақирим йўлга ортмалаб қайтдим...

### ОББО!

### СУРХОННИНГ «ҚАЙСАР» КОМПЬЮТЕРЛАРИ

«Сурхондарё вилоятининг барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ва банк муассасалари, солиқ ва савдо, ҳисоб соҳасига тааллуқли ташкилотларга бир борин... бинийодай компьютерлаштирилган, — деб ёздаи музроботлик журналист Курбон Жураниевнинг. — Шоишманг-да, гапинг бердисини эшитинг. Уша идоралардан зарур маълумотларни эса рўйча оласиз. Илож қанча, «қайсар» компьютер ўзбекча ёзмайди. Шу бос вилоятнинг мақзур ташкилотларида бирор марта ҳам ўзбекча матн тайёрланмайди.

Тапга кирмас компьютерлар асосан Корей, Япония, Америкада яратилган-ку. Қандай қилиб ёппасига «руслашиб» қолди экан?

### НАҲОТКИ...

### УНИВЕРСИТЕТДА ЧЕКИЛМАЙДИ

Тошкент Давлат Аграр университети ўқув билвалари, ётоқхона ва жамоат ҳўжаларида, умуман, илм даргоҳи худудида кечки қатъини маън этилади. Ушбу тартибни бузганлар Ўзбекистон Республикаси маълумурй ҳуқуқбузарлик кодексининг 112-моддаси ва университет жамоасининг 1996 йил 14 июнь куни ўтказилган мажлиси қарорига асосан... кимлигиндан қатъий назар энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Тартиб-интизом бор жойида тарбия яхши бўлади, десани бежиз эмас. Бироқ бугунги тоилилар ва домларлар ҳам андиймас — жарима тўлаш кимга ҳам ёқайди дейсиз. Яхшиси чекмаслик керак.

### БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?

### ЧЕКМАСАНГИЗ 100 ДОЛЛАР ОЛАСИЗ

Қўллаб мамлакатларда умумжойларда тамаки тутатиш таъқиқлаб қўйилган. Японияда эса ақсичча, руҳсат этилган, бемалол, ҳар кимнинг ўз хоҳишича. Бироқ, «Бугунги Япония» газетасининг хабарига кўра «Цуки» қурилиш компанияси раҳбарияти гаройиб таъжирба қўлашди. 720 нафар хизматчидаи кимки чекишни ташласа, ҳар ойда маошига 10 миң иен, яъни, 100 доллар қўшиб берилади. Ҳа, оинча юз доллар олиш қаерда-ю, пул кеткизиб, тамаки харид қилиш, соғлиқни йўқотиш қаерда...

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЭТГАНДА:

### ЭЗГУЛИК ЙЎЛИНИ ТУТГАН ХАЛҚМИЗ

Бугун бир хушхабар эшитдик. Ўзбекистон ногирулар, кўзи ожизлар ва кар-соқовлар жамиятлари муассасида «Қадрият» ижтимоий-сийсий газетасининг нишонча сон босмадан чиқди. Хайр-эхсон, саховат бобода доимо эзгулик йўлини тутган халқимиз газета орқали турли мавзулардаги мақолалардан баҳраманд бўлади. Ҳозирги жараёнда мақзур газетанинг чоп этилиши ҳукуматимизнинг маънавий қадриятларга жиддий эътибор бераётганидан далолатдир.

Соат миллиарини Кўчқор НОРҚОБИЛ кузатди.

СИМ ОРҚАЛИ СУХБАТ



ЁРУҒЛИК СОЯДА ҚОЛМАЙДИ

Озодахон АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирининг биринчи ўринбосари

Кўзгуда ҳақиқат АКС ЭТГАЧ...

Очиги, газетанинг ҳар ҳафтада мунтазам беш мартаба чиқиш туриши, кунлик воқеа-ҳодисаларга ўз вақтида муносабат берилиши менга жуда ҳам ёқди. Ҳар гал иш бошладан олдин «Халқ сўзи»ни варақлайман... Мақолалар билан танишиб чиқаман. Ишончли манбаларга эга бўламан.

Кўпинча биз соҳамизга оид ўзгаришлар ва янгиликларни халқимизга етказиш учун шу газетга мурожаат қиламиз. Ижтимоий ҳимоя масаласига боғлиқ мавзулар ўз вақтида берилади. Газета бизнинг ҳамкоримиз, суҳбатдошимиз.

Истиқлол нақадар беқиёс ва улутвор тушунча. Озодлик одамлар онгига эркин фикрлаш имконини берибди. Ҳар бир кишида миллий гуруҳ туйғусини шакллантириш йўлида маърифий мақолалар эълон қилиб боришмоқда. Шу нуқтага назардан қараганда, «Халқ сўзи» чиндан ҳам элимиз маънавиятига хизмат қилаётти.

Газета — жамиятимиз равақи учун омил бўлажак ютуқлар, тараққиёт йўлига тўсиқ бўлган айрим хато-камчиликларга қаратилган кўзгу. Унда ҳақиқат акс этапти. Шу боис вазириликмиз, вилоятлар ижтимоий-таъминот бошқармалари ва туманлардаги бўлимлар ходимлари «Халқ сўзи»га обуна бўладилар.

Шавкатжон МАВЛОНОВ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари

ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий-сиёсий газетаси «Халқ сўзи»ни энг оммавий, қизиқарли нашрлардан бири, деб ҳисоблайман ва шу сабабли мунтазам равишда ўқиб бораман. Унда юртимизда кечаётган, республикамизнинг ижтимоий ҳаётида юз бераётган янгиликлар, янги қонунлар доимий равишда фаоллик билан чоп этиляпти.

Шунингдек, газетала миллий қадриятларимиз, бой тарихимизга алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидламоқчиман. Шунинг билан биргаликда унда халқ газетаси сифатида оддий фуқароларимизнинг бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларга беосита муносабати ҳамда қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг турмуши шариоатларини яхшилаш, уларни ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари кенгроқ ёритилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, турли соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликлар, муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари юзасидан мунтазам раҳбарлар билан мулоқотлар бериб боришда раҳбар ходимларнинг халқимиз олдидаги жавобгарлик ҳисси ошган бўлар эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан фойдаланиётган жиноятлар ва бошқа иллатларга оид мақолалар халқимизнинг ушбу газетга қизиқишини янада кучайтиради, албатта. Амалга оширилаётган ислоҳотлар йўналишларида бағишланган махсус саҳифалар чоп этилса, яхши бўларди.

«Халқ сўзи» мухбири Кўчкор НОРҚОБИЛ тайёрлади.

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Адабиётимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос ўрни бор. Адиб теран ҳикоялари, «Кўшчинор», «Сароб» каби романлари, «Утмишдан эртақлар», «Синчалар», «Муҳаббат» сингари қиссалари, ҳозиржавоб публицистик мақолалари билан сўз санъати равақига улкан ҳисса қўшди.

Ёзувчининг «Оғрик тишлар», «Ажонларим», «Шохи сўзана», «Тобутдан товуш» каби асарлари драматургиямизни янги мазмун билан бойитди. У жаҳон классик адабиётидан кўлаб асарларни ўзбек тилига моҳирлик билан ўғирди. Кўпгина иктидорли ёшларга устозлик қилди.

24 ноябрь кuni Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида Абдулла Қаҳҳор таволлудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, адибнинг шогирдлари, адабиёт мухлислари иштирок этди. Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов очди.

— Биз Абдулла Қаҳҳор ижодини доимо барҳаёт чашма сифатида қадраймиз, — деб таъкидлади у. — Устоз асарларидан ғўганиб адабиётга кириб келган ёшлар бугунги кунда таниқли ёзувчилар бўлиб етишди. Бу зотдан сабоқ олган адабиётшунослар сафи кенгаймоқда. Истиқлол туйғайли устознинг сўз ва виждон эркинлиги, она тилимизнинг маъқенини кўтариш борасидаги орзулари рўёбга чиқди.

Хотира кечасида таниқли адиб ва адабиётшунос олимлар — Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Ўткир Хошимов, Ҳозод Шарофиддинов Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотироларидан сўзладилар. Санъаткорлар мумтоз куй ва кўшиқлар билан кечога фойз киритди.

Маросимда адибнинг шогирди Учқун Назаров режиссёрлик қилган «Абдулла Қаҳҳор» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. Раҳматов қатнашди.

Б. МАНСУРОВ, Ҳ.А. МУХБИРИ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўтиш даврининг муҳим иқтисодий таянчларидан бири — бу сугурта хизмати ҳисобланади. Бозор муносабатлари чуқурлашавергач, унинг роли янада ортаверади.

Юртимизда сугурта хизмати соҳасини самарали ривожлантиришни таъминлаш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштирувчилар ва аҳолини сугурта йўли билан ҳимоя

қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида шу йил февраль ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгурсугурта» давлат акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони чиққан эди. Муҳбиримиз бошқаруви раисининг муровизи Б. ҲУРАНОВА бир неча савол билан мурожаат қилди.

КУЙМАСЛИКНИНГ БИТТА ЙЎЛИ БОР

— Баҳодир Ҳунович, Фармондан қўзланган асосий мақсад деҳқончилик соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулк ва маҳсулотини сугурта йўли билан ҳимоя қилишни таъминлаш эди, шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Аммо бизга юкланган энг асосий вазифа — бу қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва айнан деҳқончилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб берилган кредитларни қоллашга сугурта қаролидини беришдир. Деҳқончилик ишлари мушкуллари ҳоҳ у галачиликда бўлсин, ҳоҳ у пахтақиликда бўлсин, ҳоҳ у дехқонга аён. Ерга уруғ қалар экан, дехқон режалаштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва маҳсулотни белгиланган тартибда аҳолига етказиб бериш мақсадида меҳнат қилади. Ана шу ишни ташкил этиш учун қишлоқ ҳўжалиги корхонаси асосий экинлар, ҳусеан, пахта, дон ва шу сингари маҳсулотларини етиштириш учун давлатдан, тайёрлов ташкилотлари «Ўз-донмаҳсулот» корпорацияси ва «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасидан шартнома бўйича аванс тариқасида маълум маблағни қарз олади.

Табиат инжиқликлари, ҳар хил офатлар ва бошқа сабаблар туйғайли режалаштирилган ҳосилни етиштириш имкони бўлмаса, ҳўжалик аванса олан қарзини тўлай олмаслиги мумкин. Бу ҳолда бизнинг компаниямиз сугурта шартномаси доирасида ана шу қарзини қоплайди.

Маълумки, табиат инжиқликларидан ҳеч қим кафолатланмаган. Айниқса, шу йилнинг баҳоринда бўлган табиий офатлар кўлаб вилоят ва туманларнинг ҳўжалиқларига катта миқдорда молиявий зарар келтирди. Ташкент вилоятининг Бўка, Оққўрғон туманлари ҳўжалиқлари шулар сирасига қиради. Бизнинг уларга қўраётган ёрдамимиз сезиларли даражада бўлди.

— Тайёр маҳсулотни харидорга бус-бутун етиб бериш учун унинг сугурталаш мумкинми?

— Албатта, бу ҳам сугурталаш зарур. Негаки, йўлда маҳсулотнинг сифати бузилиши, совуқ уриши, хуллас, ҳар хил воқеа бўлиши мумкин. Тажрибамиздан келиб чиқиб, айтадиган бўлсам, баъзилар етди ёки қуришиш материалларининг камайиб қолганлигидан наолиган бўлса, баъзилар ҳатто бутун боши вагонларнинг

бедарак йўқолганлигидан шикоят қилиб келишади. Ҳар қандай кўнгилсиз воқеанинг олдини олиш учун жўнатилаётган юк бизнинг бўлимизда орқали сугурталаш бўлиб, маҳсулотни етиштирувчи ёки етказиб беришчи пировадиларга кўйиб қолмаслигига кафолат берамиз. Лекин, афсуски, кўп ҳолларда маҳсулот ёки товар сугурталанамаган бўлади. Нимагадир, одамларимиз пешона тери билан етиштирилган маҳсулотини арзиман пулга сугурталаш қўйишни эп қўрмайдилар. Бу борада ҳоржиклардан ўрган-сак арзийди. Улар ҳар бир соҳада сугуртанинг серқирра хизматидан унумли фойдаланиб келишади. Бунинг орқасидан бийонидек наф ҳам кўрадилар. Айниқса, чет элликлар иштирий сугуртани маълум қўришади. Дарвоқе, мажбурий сугурталдан қўра, иштирий сугуртанинг ставкаси ҳам юқорроқ бўлади. Бизда эса ИТГҲФ давридаги собиқ Госстрахнинг сифати ҳали одамлар психологиясидан қийин кетганича йўқ. Яъни «давлат тўлайди» ёки «давлат қилиб берсин» деган тушунча кимларнингдир онгидан ҳамон ҳўкмон. Лекин шу билан бирга, бизнинг одамларимиз ичидан ҳам сугурта хизматининг афзаллиқларини илғаб, ушбу масалалар бўйича қайта-қайта мурожаат қилаётганлар ҳам кам эмас. Яқинда «Мадал» сугурта агентлигини ўзининг бор мол-мулкнинг қайта баҳолаб чиқиб, янгидан сугурта қилишини сўраб келган чинозлик фермерни биламан. Бу ҳолда солиқ тўловининг ҳам миқдори ошганини билди туриб, онгли равишда масалага шундай ёндошган фермернинг ҳаракатини фақат олқишлаш мумкин. Негаки, борди-ю бирор сугурта воқеаси юз берадиган бўлса, у бундан бир ёки икки йил аввалги мол-мулкнинг қийматига нисбатан арзиман маблағ олиш мумкин эди. Мол-мулкнинг ҳозирги қиймати эса бошқачароқ баҳолавиши ва шунга яраша сугурта қопламаси олиши мумкин.

— Мамлакатимизда фойлият кўраётган йирик қўшма корхоналар мол-мулкларини ҳам сугурта қилишга компаниянинг қўриб етганими?

— Етмайди, деб бўлмайди. Чунки бизда бошқа сугурта компаниясини жалб қилган ҳолда ҳатто учинчи ёки тўртинчи сугурта гуруҳи ёрдамида уларни сугурталашимиз мумкин. Бизнинг лутатимизда бу қайта сугур-

талаш, дейилади. Шунга таъкидлаш керакки, аввало, ҳар бир сугурта компанияси ўз шартномалари бўйича мажбурийларини бажаришлари учун тартиб заҳира ва айланма маблағга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда инқирозга учраши мумкин. Шунга назардан тўтган ҳолда йирик лойиҳа бўйича сугурта шартномасини бир неча сугурта ташкилоти ўзаро жавобгарлик бораида тақсимлаб олишнинг афзал қўлади. Бу сугурта фойлиятининг ҳоржидан кенг тарқалган талаби бўлиб, сугурта бозорини мунтазам ва бир меърида ривожлантиришни таъминлайди.

Республикамизда ҳўкумат томонидан сугурта бозорини шакллантириш бораида қўрилаётган чора-тадбирлар, аввало, сугурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Зеро, компаниямизнинг солиқлар тўлашдан овоз этилган маблағлари ҳам тўлиқ заҳира фондларини ҳам сугурта жавобгарлиги ҳажмини оширишга йўналтирилган.

— Манбаларга қараганда, бугун Ўзбекистонда 70 дан зиёд сугурта компанияси фойлият кўраётган экан. Мамлакатимизда сугурта бозорининг ривожланиши ҳўсусида нима дея оламиз?

— Сугурта компанияларининг қўлайиши ижобий ҳол, албатта. Бу биринчидан, халқимизнинг янги-янги сугурта хизматларини қабул қилишдан манфаатдор эканлигидан далолат беради. Иккинчидан, улар ўртасида рақобатни тезлаштирилади. Бу эса ўз навбатида миқозларга сугурта хизмати қўраатиш сифатини оширишнинг муҳим омилдир.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишининг беш тамойилидан бири бу бош ислохотчи — давлатдир. Сугурта бозоримиздаги ислохотларнинг ҳам қадам-бақадам шаклланиб боришида давлатнинг роли беқиёс бўлмоқда. Энг муҳими эса, бизда одамларни ўтиш даврида сарсон қилаётган, борибдан ҳам айрилган «МММ»лар бўлмастлигига давлатимиз кафолат бера олади.

«Халқ сўзи» мухбири Нарзулла ШОНИЕВ суҳбатлашди.

ДЕПУТАТ БОШ БЎЛГАН КОРХОНАДА

БОҚИМАНДАЛИК ЯРАШМАЙДИ

Бозор иқтисодиётининг мамлакатимиз ҳар бир фуқароси олдида қўраётган талаблари улкан ва хилма-хил. Уларни юракдан ҳис қилган кишигина олдимизда қай даражада катта вазибалар турганини англай олади.

Наманган вилоятидаги Уйчи илпакчилик ҳиссадорлик жамияти раиси, республика Олий Мажлиси депутати Турдиали Сатторов корхонани дёққа турғизиб олгунча озмунча югуриб-елмади, дейсиз. Бугунги кунда корхонада, ишчиларнинг мулкка, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нисбатан муносабатлари тўдан ўзгарган. Олдин ишчилар, мутахассислар ўз ақияларининг тақдирини, умуман, корхона тақдирини билан яқиндан қизиқмоқдалар.

Ҳиссадорлик жамияти Чортоқ туманидаги эски бинони тўла таъмирлаб, 60 ишчига мўлжалланган филиалини ҳам қайта ишга туширди. Бу ерда ҳозир 40 та даста ҳўда атлас ҳамда бўз матоси тўқиймоқда.

Корхонада қимматбаҳо мазут ёнлиғисини ишлатилади. Шу боис қиш палласи ҳаражат қўлайиб кетади. Ҳиссадорлик жамияти ҳўқимият билан келишган ҳолда муаммони ҳал этишнинг қўлай йўлини топди. Яъни январь ойда ҳамма ишчилар меҳнат тўғрисида чиқариладиган бўлди. Бу давр ичидан корхонадаги барча даста-ҳўлар таъмирланиб, иш ўринлари меърига келтирилди. Ана шу биргина ақли қадан корхона учун, бир ойда 1 миллион 600 минг сўмин иқтисод қилиш имконини юзага келтирди.

Корхона 1996 йил 1 яридада 38 миллион 297 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганди. Бу йил эса 41 миллион 785 минг сўмлик, яъни ўтган йилдагига нисбатан 3 миллион 528 минг сўмга кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

Жамият раиси Турдиали Сатторов депутат сифатида жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Ушўаёт шаҳарчасидаги шарқона услубда қурилган бозорга у киши шахсан бош-қош бўлди. Бундан ташқари, туманда бирон-бир жиддий тадбир йўқки, унда халқ ноиб иштирок этиб, масаладани, кўмаги билан ҳисса

қўшмаган бўлсин. Ҳўзи раҳбар бўлган корхона қўлиб, Машад, Ёркатат, Ёрқўрғон, Жийдакапа қишлоқлари, Норин туманининг Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари билан биргаликда маҳалларда бокувчисини йўқотганлар, кўп болали ҳамда таъминоти кам оилаларга моддий ёрдам ташкил этиб, эл-юрт дуосини олмақда.


Бугунги кунда қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви муаммоси борлиги ҳаммага маълум. Вилоятда Қизилравот — Наманган сув узатиш ишоти қурилиши ишга тушди. Бу ишотот тўла қувват билан ишлаб Уйчи, Чортоқ, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминламоқда. Бундай улкан, халқ манфаатларини қўлаб қилинган ишда ҳам Турдиали ака бош бўлган корхонанинг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳиссадорлик жамиятида маънавият ва маърифат соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Мавжуд 400 ўринли маданият уйи қошида бадиий ҳаваскорлик дастаси ташкил этилган. Унинг қатнашчилари турли байрам ва тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар. Жамоа аъзоларининг дам олишлари учун тоғли Нанай қишлоғидаги сўлим оромгоҳда йилгига юзлаб илчи-хизматчилар ўз саломатликларини тиклашмоқда.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, аҳолини турар-жой билан таъминлаш айна пайтдаги асосий муаммолардан бири экан. Уни ҳал этиш чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилаётган экан.

— Бунинг учун янада кўпроқ ишлашимиз, даромадни йил сайин ошириб боришимиз, боқимандалик кайфиятига бутунлай барҳам беришимиз керак, — дейди Турдиали ака. — Ана шунда барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Рустам ЭРМАТОВ.



ДУНЁ НАЗАРИ ТУШДИ

Гурландаги «Гуртекс» ҳиссадорлик жамиятининг ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо корхонада тайёрланаётган кийим-кечаклар, ип-газламалар жаҳон бозорини ўз ўрнини топмоқда. Ушўнмайсизми? Яқинда корхона Германия, Туркия, Россия ва Белорусийа республикаларига катта ҳажмда маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тўзди.



СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятини лавҳалар. А. МУРОТОВ тасвирга олган.

Милицияда

БИР ҚАДАМДА ҚУВОНЧ, ҚАДАМДА ХАВФ

Бола йилгаси қўрқитиларди. — Жим бўл, милицияга бериб юбораман!

Ана шу чўчишлар ёш гўдакда ҳатто у улғайгач ҳам муҳрланиб қолганини, милиционерлардан хавфсиз раб юриши-ю, ундан ўзини тортишни бугунги ҳаёт қоралапти. Бизни ноўрин қўрқитишган. Мурғак танини халкка бурқашган. Бир ҳўли мактаб укўвчиси милиционерни қўриб даг-даг қаттираганининг шўҳидимиз.

Хатоликлар тўзатиляпти. Милиционер кимимизнингдир акамиз, бошқамизга ота, дўстимизнинг дўсти, юртдошимиз. Агар уларнинг ишдан боқар одам бўлса билди. Милиционернинг бир қадами қувонч, бир қадами хавф... Чунки унинг қаршисидан гоҳида дўст, баъзида хавфли жиноятчи чиқади...

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Анвар Балалбоев билан милиция ходимларининг бугунги юмушлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Ҳозирги пайтда республикамиз ички ишлар идоралари ходимларининг, айниқса, гўёҳандлик моддалари қарши боғлиқ жиноятларга қарши курамини кучайган, десак хато бўлмас. Шу борада сизлар ёришган натижалар ҳақида тўхталсангиз.

— Хўдога минг қатла шуқурки, республикамизда тинчлик ва осойишталик ҳўкмон. Четгарадимиз мустақам. 90 постларидиа хўшёр турган ходимларимиз четгарадан гўёҳанд модда олиб ўтишга уринувчиларининг пайини қирқмоқдалар. Бу борада республика Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Транспорт прокуратураси ва республика Божхона қўмитаси ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз жуда катта самара бермоқда. Айниқса, темир йўллар орқали қўшни Тожикистон билан четгарадо бўлган Сариев бекатида йўловчи поездаларда катта миқдордаги гўёҳанд моддалар олиб ўтишга уринувчилар қўла олинмоқда.

Масалан, ходимларимиз томонидан Сариев бекатида «Коралори-97» тейзор тадбири ўтказилаётган вақтда Душанбе-Москва йўловчи поезди текшириб қўрилади. 4-вагоннинг тепа шифт қисмида 100 кило 660 гр. миқдорда-опий, 24 кило 793 гр. миқдорда-гашиш ва 2 кило 944 гр. миқдорда-геронин моддалари топилган. Ходимларимизнинг тейзор тадбирлари тўғрисида ушў жиноят учун Тожикистон фуқароси бўлган Хуррам Пир-

назаров деган шахс қўлга олинди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Еки бошқа бир мисол: 16 октябрь кuni яна Сариев бекатида ходимларимиз Давлат Божхона қўмитаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда Душанбе-Москва йўловчи поездини текшираётиб хавфли «юк» борлигини аниқладилар. Унинг 138 кило 563 граммини — опий, 48 кило 83 граммини — ташини, 6 кило 997 граммини —геронин гўёҳандлик моддалари ташкил қилар эди.

— Анвар ака, ўтган йили бошқармангизда қимматбаҳо юкларни қўзатиш бўйича бўлишга ташкил этилган эди. Мана шу ҳақда ҳам икки оғиз гапириб беришгиз...

— Бу бўлимининг Асака, Ховос, Тошкент ва Самарқанд бекатларида ишлаётган ходимлари томонидан кўлаб нефть, дон маҳсулотлари ўз манзилларига талон-тарож этилишига йўл қўймасдан, бешкакт етказилмоқда.

— Шимол йўналиши, яъни Россия ва Қозғистон томонларга қатновчи поездаларимиз вагонларига, айрим йўловчи вагонларига мева-чева солинган қўтиларни юкларнохуш ҳўлатлар келтириб чиқариб, йўловчиларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган воқеалар ҳам учраётган экан...

— Тўғри. Айрим ҳўлатларда йўловчи ташийдиган вагонларга ортиқча нарсаларнинг юкларини тўғрисида поездалар ҳарақати учун салбий ҳўлатлар келиб чиқмоқда. Вагон ичиди юкларининг қўлайиши ёнган ҳам сақлаш хавфсизлигининг ҳам кўпол равишда бузилишига сабаб бўляпти. Биз «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси, Давлат Божхона қўмитаси билан ҳамкорликда мана шундай нохуш ҳўлатларга барҳам бериш учун турли тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Тақлифимиз билан темир йўл шўбкекатлари атрофлари уради. Тошкент марказий шўбкекатидида йўловчиларни вагонларга чиқариб қўйиш туруви ташкил этилди. Ҳозир йўловчи поездаларга юклар учун махусе багаж вагончи уланадиган бўлди. Йўловчилар 36 килодан ошқ юкчини қўшимча ҳақ тўлаб, багаж вагонига жойлаб қўйиши мумкин.

— Энди жиноятчиликнинг олдини олиш бораидаги амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирсангиз...

— Биз келгусида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишларни янада кучайтирмоқчимиз. Темир йўл атрофида яшовчи аҳоли ўрта сифида ҳўқуқий мавзуларда, бахтезис хўдисаларининг олдини

олишга қаратилган мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқчимиз. Чунки жиноятчиликнинг олдини олиш биргина милиция ходимларининг иши эмас. Маҳалларнинг фаоллари ҳамда ташкилотлар ва мактаблар маъмуриятлари, темир йўлларда болаларнинг ўйнаб юришиларига, айрим фуқароларнинг дайдиларига, вагон ойналарининг ва йўл қўраутувчи чироклар синдириллишига, темир илзар устига ҳар хил нарсаларни қўйишларига қарши олиб бораётган ишларга ёрдам беришлари зарур.

Шу йилнинг 8 августидида Волгоград — Урганч поезди Шовот тумани ҳўдулидан утаётганда 6-синф укўвчиси Музаффар Матмуратов ва 7-синф укўвчиси Азамат Қаландаровлар отган тош тўғрисида йўловчи Омоний Жуманов бошдан оғир яраланиб, касалхонага келтирилган. Воқеа кўпла-кўнудузи содир бўлган. Бешош укўвчиларни тўхтагучи одам топилмаган.

— Жиззах бекати яқинида эса эндигина 3 ёшга тўлган Нилуфар исмли қизалоқ қаровсиз қолгани натижасида поезд остиди ҳўлоқ бўлган. Янгийўл бекатида 14 ёшли Сергей Грий ўзбошимчилик билан, селдирмай вагон томига чиқади. Оқибатда уни юқори қувватли ток уради.

Яна қайтараман, бундай ачинарли ҳўлатларга йўл қўймастик учун темир йўл атрофидаги аҳоли билан ҳамкорлик қилишимиз зарур. Мана шунда жиноятчиликнинг олдини олишга янада кўпроқ муваффақиятлар қўла кири-тилар эди.

— Анвар ака, қўндингизга келмасини айрим милиция ходимлари томонидан қонун

бузилиш ҳўлатлари содир этилаётганлиги қўлоққа қалинапти. Транспорт ички ишлар Бошқармасида мана шундай нохуш ҳўлатларга йўл қўймастик учун ҳаражат қилинаптими?

— Ички ишлар идораси ходими деган юкс



Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига

ҲАҚИҚАТ ТАРОЗУСИ ТЕНГ ЭДИ УНИНГ

Чўлпон ўзбек аёлларининг тақдирини ва баркамол бўлиши тўғрисида астойдил қайғурган ва куюнган сиймо эди. Аёлларга бағишлаб ўнлаб эҳтиросли шеърлар ёзди, айниқса, унинг севги-салоқат ҳақидаги бетакрор шеърлари ҳозирги замон ўзбек шеърининг дурдоналаридан ҳисобланади. Ҳикоя, роман ва пьесаларида аёлларнинг қалб гузаллиги ва таланти, имкониятини ёритишга айрича аҳамият берди. «Замона хотини» пьесасида (1928) ҳокимиятнинг ўз қўлида бир машғул қилиб халқ аҳолини, аёллар турмушини яхшилашни, ҳаётда адолат, ҳақиқат ўрнаштириш озу қилган аёл образини яратди. «Кеча ва кундуз» романида аёлларнинг фожиаги қисмати ҳаққоний ақс эттириб, мустамлақачиликни аёвсиз ҳолатда ва аёлларнинг эрка чиқишини озу қилади. Жаҳолат қурбони бўлган машҳур артистимиз Турсуной ва унинг ўрнини эгаллаган ёш Ҳалима Носированинг ютуқларидан боши осмонга етди, Турсуной ваҳийларча ўлирикланди йилгаб, урғаниб мақолалар ёзди ва «Турсунойнинг ўзига хос ҳаракатлари ўзи билан бирга кетди», «оғзида ширин ва гузал жонланган сўзларнинг оҳанглари унинг ўзи билан ўлдилар» деб афсусланди. Турсуной нечта роль

уйнаган бўлса, шуларни ижро этиш ёш Ҳалима Носирова зиммасига тушди. Чўлпон Ҳалимахоҳнинг бу жасорати ва улкан ютуқларини кўриб ич-ичидан қувонди. Чўлпон аввалроқ Комил Яшинни таниган эди. Чўлпон ҳамшаҳари бўлиши Комилхоҳнинг адабиётга кириб келишидан хабардор эди. Бир шеърхонлик даврида ёш Комилхоҳ Чўлпоннинг муҳаббат ҳақидаги бир шеърини қироили талқин қилиб беради. Шунда Чўлпон унинг дидига тан бериб, унга «Яшин» деган тахаллусни қўйишни тавсия этади. Яшин билан Ҳалимахоҳ топишиб турмуш қуришгач, Чўлпон Ҳалимахоҳни яқиндан билишга муяссар бўлади. Ҳалимахоҳ Чўлпоннинг кўпласи шеър, кўшиқларини, айниқса, «Галдир» ашуласини қўйиб қилиб айтиб, уни лол қолдиради. Чўлпон Ҳалимахоҳга шеърлар ва мақолалар бағишлайди. Бокунда Озарбайжон драматурги Жаффар Жабборзода «Ойдин» номли трагедияси қўйилади. Чўлпон спектаклини томоша қилади ва «Ойдин» деган тақриз ёзади. Унда Ойдин ва Гултакин ролларини ижро этганлардан қониқмаганини айтади. Ҳалима Носирова ҳақида «Ашулага ишқибоз» мақоласида Чўлпон Ҳалимахоҳ ижро этган ўша Гул-

такин образига тўхтади. «Ҳалимада санъатни интичка тушунишлик бор, -- дейди Чўлпон. -- Унинг Гултакин ролига бўлган муҳаббатидан ўша тушунишнинг даражасини билиш мумкин... «Ойдин»да ҳар қандай таланти артистка учун қучилни истаганича кўрсата олиш, бундан ташқари бутун қалбини асар қаҳрамонининг қалбига қуюб юбориб, шу билан жуда самимий бир қаҳрамон яратиш имкони бор. Ҳалима буни яхши кўра билган.» Чўлпон театр актёрлари тўғрисида, айниқса, аёл артистлар ижроси хусусида кўп ёзди. Уларга хос бир умумий камчилигини танқид қилди, яъни улар сахнада ўзларини эркин ҳис этмайдилар, ролга сингиб кетмайдилар. Ҳалима Носировада шу иллат йўқлигидан қувонади. Чўлпон дейдики, «Биз унда бир неча яхши ҳислатларни ижроси мимика бойлиги, сахнада ўзини эркин тутишлик, балки бир даражада шўхлик, тил раволиги, сўзларни тўғри бериш ва ўткур овоз воситаси билан сўзини томошачига етказиш...» Бу юксак баҳо ўз вақтида катта куч, илҳом, қанот берди. Чўлпон гоём самимий инсон бўлган. Хурмат қилган, суйган одамларнинг камчиликларини бўлса, аямасдан юзига айтган. Ҳалимахоҳнинг ҳам камчи-

ликларини очиб айтиб, улардан қуттилишга кўмак берган: «Камчилик жиҳатини олганда -- ролни чуқур ишлагаслик, жиддий қаҳрамонларнинг енгиллиги ва шўхлиги бўрттирилгани ҳолда уларнинг оғир ва фожиа-лик томонларига қўн қилмаслик...» Каминга Ҳалима опа билан суҳбатлашганимизда Чўлпоннинг шу танқиди хусусида сўраганимизда, опа «Бу жуда тўғри танқид эди. Турсуной фожиаги ҳалок бўлгандан кейин унинг ролларини ижро этиш меннинг зиммага тушди. Театрларда чипталар сотиб қўйилган. Мен кўп пьесаларда шундай, тайёргарсизлик билан, репетициясиз сахнага чиқиб кетган эдим. Кейинча бу кўсурулардан қутулдим Чўлпон ака ёрдамида», -- деб изоҳ берди. Чўлпон Ҳалимахоҳнинг 50 тадан ортиқ драматик асарларда роль уйнаганидан кейин музикали драмаларда иштирок эта бошлаганидан гоём хурсанд бўлади. Музикали театрларда овоз ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган Чўлпон энди анъанавий овоз йўлининг ўзи билан кетиш етишмаслигини ва энди Оврўпа овоз йўллари-уеулларини ўрганиши кераклигини ҳам ўқиради. Чўлпон бу ерда опера санъатини орзу қилмоқда эди. «Ўз устола-

римизнинг, -- деб таъкидлаган эди Чўлпон, -- овоз техникасидан ҳам кўз юммасдан, гарб техникасини яхши ўзлаштириш, маданият ва ишланган овозга эга бўлиш ҳар бир овозли йигитимиз-қизимизнинг вазифаси бўлиши керак». Ҳалима Носировада уч октавали овоз бор эди, яъни у классик кўшиқларни, мақомларни, катта ашуларларни ҳам метёрига етказиб айта олар эди, айни чоғда опера кўшиқларини ҳам Оврўпа ашулачилари даражасида ижро эта олар эди. Ҳалимахоҳ изланди, ўқиди, ўрганди, айниқса, Москвага бориб, шу замоннинг манаман деган оғир усталаридан таълим олиб келди, бу санъатнинг сирини эгалаб, ўзбек операсининг, ўзбек ашула санъатининг бўлбулига айланди. Чўлпон орзу қилганидек, Оврўпа опералари билан беллаша оладиган опера санъатимизнинг дунёга келишига Ҳалима Носирова ўзининг катта ҳиссасини қўша олди. Ҳалима опа Чўлпоннинг жуда кўп шеърларини ёнда сақлаган ажайиб зиёлидир. Каминга жуда кўп шеърларини айтиб берган. Шулар орасида шоир тўпламлари, ҳатто вақтли матбуотларда учрамаганлари ҳам бор. Шоир шеърларини шунча йилдан буён ёнда-қалбада асраб келиб, ҳаля этган опамизга самимий ташаққуригимиз ва миннатдорлигимизни изҳор қилмасдан иложимиз йўқ. Бу нараса яна шундан далолат берадики, ҳалқ ўзининг фарзандини ҳар қандай оғир, қалтис йилларда ҳам бир дақиқа ёлдан чиқармайди ва унинг номи-ни, сиймосини кейинги авлодларга авайлаб топишаради. Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

Канаданинг Ванкувер шаҳрида Жанубий Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари раҳбарларининг анъанавий учрашуви бўлиб ўтди. Бу сафар минтақавий хавфсизлик масаласи билан бир қаторда, асосий эътибор минтақа мамлакатлари дуч келган иқтисодий муаммоларга қаратилди. Ушбу ҳудуддаги иқтисодий жиҳатдан энг барқарор мамлакат ҳисобланган Жанубий Корейнинг ҳам Жаҳон банкига кредит сўраб мурожаат қилиши, иқтисодий масала кўн тартибда ўта долзарб бўлганлиги ҳеч кимни ажаблантирмади.

нам Бош вазирини ва Президенти билан худди шу масалаларни муҳокама қилди.

БОШ ВАЗИР САФАРИ

Россия Бош вазирини В. Черномырдин расмий ташриф билан Вьетнамда бўлди. Кейинги икки йил ичида ушбу мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми жуда кескин қисқариб кетган эди. Бунинг асосий сабаби собиқ Иттифокдан Вьетнам катта миқдорда қарз эди. Ана шу қарз тугуни икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожига тўсқинлик қилиб келмоқда. Ташрифдан мақсад, мазкур муаммони одилона ҳал қилиш ва Вьетнам-Россия муносабатларини ривожлантиришдир. В. Черномырдин Вьет-

ОСОЙИШТАЛИК ҚАРОР ТОПМОҚДА

Би-Би-Си радиосининг хабарига кўра, Афғонистон шимолида генерал Абдумалик назорат қилиб турган сўнги Фарёб вилоти ҳам генерал Абдурашит Дўстум қўлига ўтган. Шарҳловчиларнинг фикрига қараганда, бу Дўстумнинг мактеби янада қучайтириб, шимолий ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлайди.

ИҚТИСОДИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ЙУМШАТИЛИШИ МУМКИН

Ироққа халқаро кузатувчилар гуруҳи қайтандан сўнг бу мамлакат атрофидаги танглик бартараф бўлди, деб айтиш мумкин. Россия шунингдек, қисман Франция БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори билан Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини босқичма-босқич бекор қилиш ниятида эканлигини билдиришди. Чунки, Ироқ Россия ва Франциядан жуда катта миқдорда қарздор. Ироқ нефть экспорт қилиб бошла-сагина ўз қарзларини қайтариши мумкин. Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ЙЎҚЛОВ

БИР ТИЛДА ГАПЛАШАР ЭДИ...


Кимлингиз, катта ё кичиклингиз, яхши ё ёмонлингизни сира сўраб-суриштириб ўтирмасди. Бемалол, юз йиллик танишларда гаплашиб кетаверди. Шоир билан шоирдай, талаба билан талабадай, арбоб билан арбобдай даррлашарди. Ҳеч қачон одам танламади. Раҳматиллох Ғуломхон Ғафуров битта тилин биларди: бу кўпична билар англаб-англолмаган Инсон тили эди. Ғуломхон ака турли жойларда, Маданият институтида, сўнги йилларда ТошДУда ишлаган бўлсам, умри тахририятларда, нашриётларда ўтди. Бой, қадимий маданиятимизнинг ҳали талқин этилмаган қирралари ёки маърифий ва диний мавзуларда ёзган мақо-лалари билан мамлакатимизнинг турли нашрларида фаол қатнашди. Доим кулимсираб тургувчи, юз-кўзларида самимият зоҳир бўлган бу инсон кирган эшикдан иймон нури, ҳалоллик ва яхшилик кўнгли-ларга сингиб кетарди. Ва бу дилдошлик, кўнглипарварлик унинг зоҳирида ҳам, боғинида ҳам яшар, қолаверса, унинг асарларида сезилиб турарди. Бир яхши одам учун элик йил не деган гап? Давраларда, гурунларда ҳазил аралаш сўраб қўярдик: «Бу, Ғуломхон ака, сиз тенглик элик йиллик тўйларини ўтказишди, сиз бўлсангиз...» «Кўзни охирилатиб

бошлайман. Лекин бир эмас, иккита тўйга айтман» дея охири... ўтган ҳафта ҳаммамизга тўйхат тарқатувди. Аммо, тақдирни қаранг, қисматнинг галати ёзуғини кўринг, қутилма-ганда унинг ўзи... Барча ёру-биродарларини, житаргўшаларини, фарзандларини ярим йўлда ташлаб кетди. Ғуломхон Ғафуров ўзбек танқидчилигида, миллий журналистикасида ўзига хос из қол-дирди, десак муболага бўл-майди. Иймонли одамларнинг савобли ва хайрли ишлари улардан кейин ҳам яшайвера-ди, дейишарди. Бу Ғуломхон Ғафуровга ҳам хос таърифидир. Бир гуруҳ дўстлари.

СПОРТ


«ИБРАТ-97» МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ

Анджон теннис мажмуида андижонлик мустақиллик куйчиси, шоир ва адиб Абдулҳамид Чўлпоннинг 100 йиллик юбилейи шарафига вилоят ҳокими таъсис этган соврин учун «Ибрат-97» теннис турнири бошланди. Ўтган йилдаги каби бу йил ҳам мусобақада вилоят ташкилотлари, муассасалари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари, шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этмоқда. Андижон кортларига бу спортнинг 200 нафарга яқин ҳаваскорлари чиқди. Улар ҳоким совринини, рағбатлантириш мукофотларини ва йигирмага яқин спорт ҳокимлари ва жамоамаларнинг совринларини олиш учун ўн кун давомида ўзаро куч синнашди. К. НИЗОМОВ, ЎЗА мубири.



ЗИЁРАТҒОҲ ОБОДОНЛАШМОҚДА

Халқимиз мустамлақачилик даврида кўп оғир қунларни бошдан кечирди. Анис-овиллар номи билан аталувчи зиёратгоҳлар вайрон қилинди - қадриятларимиз топталди. Ана шулар ҳақида ўйланган-гиз, мустамлақачилик бизга ўзгичимизни англаётганлигига амин бўласиз... Нуробод туманидаги «Сазаган» жамоа ҳўжжалигининг Оқсў қишлоғида ажайиб зиёратгоҳ бор. Мустақилликдан сўнг унга олиб борувчи узунлиги бир километрдан ортиқ 1333 зиналик йўл қурилди. Зиёратгоҳга элтувчи йўлнинг бошланғида рамзий дарвоза тиклан-



ди. Бундан туман аҳолиси мамнуи. СУРАТЛАРДА: зиёратгоҳнинг рамзий дарвозаси; йўл кўрсатувчи Насим Фозилов. Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Шаҳарлараро телефон алоқа хизматидан фойдаланувчи Тошкент шаҳар абонентлари диққатига. «07» бюуртма хизматидан ташқари алоқачи орқали бюуртма қабул қилиш ва улаб бериш «8+191» тезкор тизими ташкил қилинди. «8» рақамини териб узлуқсиз товушни эшитганингиздан сўнг «191» рақамини теринг. Алоқачи жавобидан кейин сиз шаҳарлараро сўзлашувга бераётган бюуртмангиз буйича шаҳар коди, чақирилаётган абонент телефон рақами, ўзингизнинг телефон рақамингиз ҳамда исми-шарифингизни айтиб бир неча дақиқа кутсангиз бас. Ушбу тезкор тизим учун тўлов ҳақи «07» бюуртма хизмати билан бир хил. Тошкент телеграф-телефон станцияси.

МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ 1997 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙНИНГ РЕПЕРТУАР РЕЖАСИ. 2 Сешанба 18-00 Н. Зокиров «ТАХТГА ЙЎЛ» - опера. 3 Чоршанба 18-00 М. Ашрафий «Севги тумори» - балет. 4 Пайшанба 18-00 Ж. Верди «БАЛ-МАСКАРАД» - опера. 5 Жума 18-00 А. Адан «ЖИЗЕЛЬ» - балет. 6 Шанба 17-00 Ўзб. хизм. арт. Д. Ёқубованинг ижодий концерти. 7 Яқшанба 12-00 В. Милов «АЛИ БОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ» - опера. 9 Сешанба 18-00 С. Жалил «Зебунисо» - опера. 10 Чоршанба 18-00 М. Минкус «ДОН КИХОТ» - балет. 11 Пайшанба 18-00 Опера стажерларининг концерти. 12 Жума 18-00 Хореография билим юрти 50 йиллиги. 13 Шанба 17-00 Р. Леонкавалло «МАСХАРАБОЗЛАР» - опера. 14 Яқшанба 12-00 С. Юдаков «НАСРИДДИН САРГУЗАШТЛАРИ» - балет. 16 Сешанба 18-00 Ж. Верди «АИДА» - опера. 17 Чоршанба 18-00 А. Глазунов «РАЙМОНДА» - балет. 18 Пайшанба 18-00 Р. Глэзр, Т. Содиков «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» - опера. 19 Жума 18-00 У. Мусаев «ТЎМАРИС» - балет. 20 Шанба 17-00 ПРОМЕНАД-КОНЦЕРТ. 21 Яқшанба 12-00 С. Варелас «АЛОВИДНИНГ СЕХРЛИ ЧИРОФИ» - опера. 17-00 Ф. Амиров «МИНГ БИР КЕЧА» - балет. Чингалар ҳар кун соат 9-30 дан 19-00 гача соғилади. Тел.: 133-90-81.

«ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР (4 ХИЛДАГИ). САУНА УЧУН УСКУНАЛАР, САНОАТ ЭЛЕКТРОПЛИГАЛАРИ, ГРИЛЬ, ХОТ-ДОГ УЧУН МОСЛАМАЛАР. Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54. «С. Раҳимов» метро бекати.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хўж ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-65; Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, табиёт, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Ҳаққаро ҳаёт 132-11-15; Копибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма I — 0747, 33.805 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Руслан АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Нанбатчи — Ф. Шермухаммад. Мусаввир — Ф. Усмонов. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Боснига топириш вақти—21.00 Боснига топирилди — 23.00. 1 2 3 4 5 6